



НОКИМИ

ХОКИМИ

O'zbekiston Respublikasi Samarqand viloyati Kattaqo'rg'on shahri

«24» ОКТЯБРЬ 2008 йил

Q A R O R

№ 554-к

Каттақургон шаҳар Гранд Транс ММТП  
худудида жойлашган Фазилат Сатторовна  
фермер хужалигига ер ажратиб бериш тугрисида

Узбекистон Республикасининг «Фермер хужалиги тугрисида» ги қонунига, Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли «2004-2006 йилларда фермер хужаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тугрисида» ги Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги 607-сонли, Узбекистон Республика Президентининг 2006 йил 21 ноябрдаги «2007 йилда кишлоқ хужалик корхоналарини фермер хужаликларига айлантириш чора-тадбирлари тугрисида» ги ПК-514 сонли қарорига, вилоят хокимининг 2004 йил 28 декабрдаги 266-К сонли «2005-2007 йилларда фермер хужаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тугрисида» ги қарори, ҳамда «Фазилат Сатторовна» фермер хужалиги раисининг ер олиш тугрисидаги аризасини инобатга олиб

### ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Каттақургон шаҳрида ер майдонларини ажратиш масалалари билан доимий шугулланувчи шаҳар хокимлиги комиссиясининг 2008 йил 23 октябр кунги хулосаси тасдиқлансин.
2. Фермер хужаликларига айлантириш буйича комиссия йиғилишининг 2008 йил 23 октябрдаги танлов голиби Жиянов Сатторга «Муқимтошбегим АОУ» фермер хужалигидан шаҳар захирасига қайтариб олинган № 179,471,481,485,487,488,489, 490,491,492,493,494 контурлардаги жами 64,5 гектар шундан сувли ер 60,9 утлок ер 1,3 гектар бошқа ерлар 2,3 гектар экин ерларига пахтачилик ва галлачилик махсулотлари етиштириш учун 50 (эллик) йил муддатга ижарага берилсин.
3. «Муқимтошбегим АОУ» фермер хужалиги билан боглик дебитор ва кредиторлик қарзлари узининг зиммасида колдирилсин.
4. Шаҳар Ер тузиш ва кучмас мулк кадастри хизмат бошлиги (К. Аҳмедов) га «Фазилат Сатторовна» фермер хужалигига ер ажратиб бериш билан боглик хужжатларни расмийлаштириш ҳамда ердан фойдаланишни назорат қилиб бориш вазифаси топширилсин.
5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш шаҳар Кишлоқ ва сув хужалиги бўлими бошлиги в/б Н.Шакаров зиммасига юклатилсин.
6. Ушбу қарорни тасдиғи Вилоят хокимлигидан суралсин.

Шаҳар хокими:

Ф. Зайнуddинов